

## Лаборатория № 17

**Мавзу:** Кўргазма тайёрлаш. Дарс ишланмалари тузиш

**Мақсад:** 1. Ўқувчиларга кўргазма тайёрлашни ўргатиш.

2. Экологик, ватанпарварлик ва бошқа тарбиявий томонларни ўргатиш.

**Жихозлар:** 1. Бошланғич табиий география дарслиги

2. Атлас

3. Х. Назаров “География ўқитиш методикасидан маърузалар матни”.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Baranskiy N.N. Metodika perepedovaniya ekonomicheskoy geografii (Izd. podgotovleno L.M. Pancheshnikovoy- 2-s izd, pererab. )

2. O. Mo'minov Geografiya o'qitish metodikasi. T. “O'qituvchi”

3. A.B.Darinskiy Geografiya ta'limida o'qitish metodikasi. T. “O'rta va oliy maktab”

4 A. Soliev Mintaqaviy iqtisodiyot. T. “O'qituvchi”

5. A. Qayumov va boshqalar “Jaxon mamlakatlar iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

8. P. Mussaev va boshqalar “O'zbekiston iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

9. O. Mo'minov, va boshqalar “O'zbekiston tabiiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

**Бажариш тартиби:** 1. Кўргазма тайёрлашни изоҳланг.

2. Лаборатория дафтарга ёзинг.

География кабинети — ўқув қуроллари, таълимнинг техника воситалари, оқилона жойлаштирилган махсус хонадир. География кабинети — барча ўқувтарбия ишларини ташкил этадиган ва олиб борадиган моддий база бўлиш билан бирга, синфдан ташқари экскурсия ва ўлкашунослик ишларининг маркази ҳисобланади.

Мактабларда география таълимининг кабинет системаси — географик билимларни тез ҳамда актив ўзлаштиришга имкон берадиган таълимнинг янги формасидир.

География кабинетига қуйидагилар бўлиши керак:

География дастурси талаб этган география дарсликлари, ўқув қўлланмалари; ўқув географик карталари, атласлари (курс бўйича), глобуслар; ўқув кўргазмали қўлланмалар (схема, диаграммалар, деворий расм, коллекция, гербарий); таълимнинг техника воситалари (кинопроектор, кодоскоп, диапроектор, телевизор); ўқув мосламалари (доска, экран, карта иладиган мослама); справочниклар, луғатлар; илмийоммабоп адабиётлар; «География в школе», «Вокруг света», «Фан ва турмуш» каби журналлар; ўқувчилар бажарган энг яхши иш намуналари; дидактик материаллар; ўқув кўргазмали қўлланмалар тайёрлаш ва уларни таъминлаш учун асбобускуналар.

География кабинетига таълимтарбия ишларини бир меъёردа йўлга қўйиш учун ўқитувчи ва ўқувчиларнинг иш жойлари тегишли мебеллар (стол, стул, шкаф ва ҳ. к.) билан таъминланиши лозим.

География кабинетига ўқув ишларини яхши ташкил этиш учун қулай шароит яратиш зарур. Бунинг учун ўқув қуроллари ва ўқув кўргазмали қўлланмалари, воситаларини тартиб билан жойжойига ўрнатиш талаб этилади. Шкафларда ўқув қўлланмалар, дидактик материаллар шундай жойлаштирилиши керакки, зарур пайтда уни топиш осон бўлсин.

География кабинетига барча география курсларидан дарс, тўғарак машғулоти, шунингдек факультатив курс машғулоти ўтказиш учун зарур бўлган имкониятлар яратилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларнинг ўзлари қуйидаги ўқув қуролларни ясашлари мумкин: ўз республикасининг табиий шароитини Акс эттирувчи стендлар, тоғ жинслари ва фойдали қазилмалар қоялекциялари, гербарийлар, иқлим диаграммалари ва графиклари, обҳаво календари, ёғинларнинг тақсимланиши, дарё ва қўллар, ўсимликлар картасхемаси. Жойда кузатиш ва ўлчаш ишлари учун ишлатиладиган асбоблар (планшет, бу ўлчагич, нивелир, флюгер, гномон, ёғин ўлчагич, скафис, улчак қор қалинлигини ўлчайдиган рейка) ва ҳар

хил қўлланмаларни кўрсатиш ва сақлаш учун мосламалар; табиийгеографик процессларни кўрсатадиган қўлланмалар (тоғ жинсларининг нураши, муссон ва пассатларнинг ҳосил бўлиши ва ҳ. к.), рельеф шакллариининг макетлари, айрим мамлакатларнинг табиатини тасвирловчи расмлар. Булардан ташқари, география фанига ҳисса қўшган географолимларнинг фаолиятини акс эттирувчи расмлар, Ўзбекистондаги каналлар, сув омборларини кўрсатувчи картасхема ва ҳар хил кўрсаткичларни ҳам яшаш мумкин. Ўқувчиларнинг ўзлари қўлда ясаган қўлланмалардан география дарсларида фойдаланса, уларнинг географияга бўлган қизиқишлари ортади.

Карта иладиган мослама. Карта — географик билимларнинг асоси бўлганлиги учун ҳар бир дарсда ундан фойдаланишга тўғри келади.

Карта ва синф доскасидан унумлироқ фойдаланиш мақсадида синф доскаси чеккаларига қоқилган карта иладиган мосламалардан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун катталиги 24 X 24 см ли, қалинлиги 2 см ли 2 та (ён) тахта, узунлиги 170 см (илинадиган карталарга қараб 190 см гача олиш мумкин), эни 8 см ли ва қалинлиги 1,5 см ли 3 та тахта керак бўлади. 24 X 24 см ли ён тахтанинг иккаласини расмда кўрсатилгандек қилиб қирқилади (13расм, а). Сўнгра карта иладиган тахтанинг учаласи навбат билан 1,2 ва 3 рацамли жойларга тик қилиб бирбирига нисбатан 90° бурчак билан қоқилади (б). Карта илинадиган тахта ўртасига шнур — ип ўтказиш учун халқалар қоқилади (в). Мосламани деворга илиш учун ён тахта орқасига кўндаланг тахта қоқилади ва осма халқа қилинади (г). Мосламадаги картани йиғиб, ортиқча шнурини ўраб қўйиш учун мослама ёнига қозикли тахта ўрнатилади ва шнур қозикларга (д) ўраб қўйилади.

Мослама ва қозикли тахта бўялиб, сўнгра деворга (синф доскаси ёнига) қоқилади. Фойдаланиладиган карталарнинг тепаси карта илинадиган тахтага бириктирилади, шнур тортилганда карта ўралади. Бир мосламага учта карта бириктирилади. Қарталар фойдаланилмаган вақтда шнурини тортиб, ўраб қўйилади.

Кўрсатмали қўлланмалар сақланадиган мослама. Кўрсатмали қўлланмалар, схема, диаграмма, расмлар сақлашга мўлжалланган махсус яшик синф доскаси тагига ўрнатилади. Синф доскасининг полдан ёки тагликдан балақдигига қараб яшикнинг баландлиги 70 см дан 80 см гача, эни 100 см, қалинлиги 16 см бўлади. Яшик тепасидаги қопқоғининг ярмиси, яъни олдинги қисми очиладиган қилиб ишланади. Яшиқда сақланадиган кўрсатмали материаллар орқасигз картон ёпиштирилади. Бундай кўрсатмалар махсус тугкичларга илинади. Ҳар бир яшиқда ўнлаб кўрсатмали материалларни сақлаш мумкин.

Нусха кўчирадиган рамка. Дастур талаб этган контур карталар билан ўқувчиларни етарли таъминлаш учун карталардан қўлда нусха кўчирилади.

Контур картадан нусха кўчириш учун нусха кўчириладиган рамкадан фойдаланилади. Нусха кўчирадиган рамка одатдаги нусха кўчирадиган столга нисбатан қулайдир. Нусха кўчирадиган рамкани яшаш учун кўп меҳнат талаб этилмайди. Ўқувчилар кўзига зарар келтирувчи лампочка ҳам бўлмайди.

Нусха кўчирадиган рамкани яшаш учун бир неча рандаланган тахталар ва 364 X 300 X 5 мм катталиқдаги ойна керак бўлади. Аввал катталиги 370 X 310 мм, қалинлиги 20 мм ли таглик, кейин эса катталиги 364 X 200 X 25 мм ли рамканинг орқа томони ясалади, сўнгра расмда кўрсатилганидек қия тахталар билан бириктирилади. Чоклари елимланади, қуригач, алиф берилиб, сўнгра белила билан бўялади.

Рамканинг тўрт томони (таги, икки ён томони ва орқа томони) очик бўлади. Рамканинг олд томонига ойна қўйиб, сўнгра ундан фойдаланиш мумкин.

Ўқув машғулотларининг сифати унга пухта тайёрланиб боришга боғлиқ. Уқитувчи дарсга тайёрланар экан, аввало, у ўз ишини планлаштириб олиши зарур. Ҳар бир география курслари^бир неча темалардан иборат бўлиб, уларнинг мазмун ва ўрганиш тартиби дастурда белгилаб берилади.

Уқитувчи ўз ишини тартибга солиш учун аввал календарь план тузиши, кейин темани планлаштириб олиши ва нихоят, ҳар бир дарсга план тузиб олиши керак. Календарь план. Календарь план бутун ўқув йили ёки ўқув йилининг ярмига тузилади. Календарь план тузиш учун ўқитувчи мазкур курснинг мақсади, вазифаси, мазмуни ва ўқитишнинг ўзига хос томонларини яхши тасаввур қила олиши лозим. Календарь планда тема ва темачалар, берилган соат, ўрганиш муддати, темани ўрганишга алоқадор тадбирлар, экскурсия, тажриба, контрол ишлар ва такрорланадиган материаллар кўрсатилади.

мақсади: а) мазкур дарс давомида ўқувчиларда қандай ғоялар, тушунчалар, қонуниятлар шаклланиши кераклиги; б) дарс жараёнида қандай кўникма ва малакалар шакллантирилиши ва қайсилари такомиллаштирилиши ва в) таълим жараёнида ўқувчиларга тарбия беришга оид қандай тадбирлар амалга оширилиши белгиланади.

География кабинетига барча география курсларидан дарс, тўғарак машғулоти, шунингдек факультатив курс машғулоти ўтказиш учун зарур бўлган имкониятлар яратилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларнинг ўзлари қуйидаги ўқув қуролларни ясашлари мумкин: ўз республикасининг табиий шароитини Акс эттирувчи стендлар, тоғ жинслари ва фойдали қазилмалар қоялекциялари, гербарийлар, иқлим диаграммалари ва графиклари, обҳаво календари, ёғинларнинг тақсимланиши, дарё ва қўллар, ўсимликлар картасхемаси. Жойда кузатиш ва ўлчаш ишлари учун ишлатиладиган асбоблар (планшет, бу ўлчагич, нивелир, флюгер, гномон, ёғин ўлчагич, скафис, улчак қор қалинлигини ўлчайдиган рейка) ва ҳар хил қўлланмаларни кўрсатиш ва сақлаш учун мосламалар; табиий географик процессларни кўрсатадиган қўлланмалар (тоғ жинсларининг нураши, муссон ва пассатларнинг ҳосил бўлиши ва ҳ. к.), рельеф шакллариининг макетлари, айрим мамлакатларнинг табиатини тасвирловчи расмлар. Булардан ташқари, география фанига ҳисса қўшган географолимларнинг фаолиятини акс эттирувчи расмлар, Ўзбекистондаги каналлар, сув омборларини кўрсатувчи картасхема ва ҳар хил кўрсаткичларни ҳам ясаш мумкин. Ўқувчиларнинг ўзлари қўлда ясаган қўлланмалардан география дарсларида фойдаланса, уларнинг географияга бўлган қизиқишлари ортади.

### **Baholash mezonlari.**

- 1.Laboratoriya ishiga qatnashib, ish haqidagi nazariy bilimga ega bo'lsa-0,5 ballgacha.*
- 2.Laboratoriyaning mustaqil bajarib natijalar olishga-0,5 ballgacha.*
- 3.Olingan natijalarni hisoblash ishlarini bajarib,mustaqil xulosa chiqara olishiga-0,5 ballgacha.*
- 4.Nazorat savollariga to'g'ri javob berishiga-0,5ballgacha*